

БИЛДИРИШНОМА

«FREEDOM PAYMENTS» АЖ Кенгашининг 2025 йил 11 июндаги 11-06/1-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган «FREEDOM PAYMENTS» АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 2025 йил 7 июлда P1066-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қилади.

Ушбу чиқарилиш доирасида эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 5000 сўм бўлган умумий қийматдаги 10 000 000 000,0 сўмлик 2 000 000 дона оддий акциялар жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади. Бунда, жамиятнинг оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати ушбу билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 10 кунни ташкил этади.

Жамият акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар рўйхати 2025 йил 11 июнь ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор оддий акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Акциялар учун тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

«FREEDOM PAYMENTS» АЖ акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$A/2\,000\,000 = B$$

$$2\,000\,000 * B = C$$

Шунда:

2 000 000 – Жамият устав капиталидаги оддий акциялар умумий сони

2 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони

A – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги акциялари сони

B – Жамият устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони

C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинadиган акциялар сони.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун «FREEDOM PAYMENTS» АЖ офисига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +99890 727 02 22.